

**“UzAuto Motors” АЖда порахўрлик ва
коррупцияга қарши курашиш
СИЁСАТИ**

1-боб. Умумий қондалар

1.1. Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш сиёсати (кейинги ўринларда – Сиёсат) коррупцияга қарши курашнинг амалдаги қонунларига риоя этилишини таъминлаш ва фаолиятни олиб боришнинг инсофли амалиётини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган. “UzAuto Motors” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) ва Назорати остидаги корхоналари фаолият кўрсатадиган ва Жамият манфаатларида ёки унинг номидан ҳаракатланувчи барча шахслар томонидан кўрсатилган қонунларга риоя этилишини кутаётган мамлакатларда амал қиладиган порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги барча қонунларга риоя қилади. Жамият ҳар қандай шаклдаги порахўрлик ва коррупцияни қатъиян рад этади.

1.2. Жамият ўз фаолиятида доимо адолатли, ҳалол ва виждонан ишлайди. Жамият дунёнинг кўплаб мамлакатларида фаолият юритади, шу сабабли у порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва халқаро қонунларга, жумладан, АҚШнинг “Чет элдаги коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Буюк Британиянинг “Порахўрликка қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа экстерриториал қонунларга бўйсунди. Жамиятнинг порахўрлик ва коррупция фаолиятига аралашishi тегишли жавобгарликка олиб келиши, шунингдек, Жамият фаолияти ва обрўсига путур етказиши мумкин.

2-боб. Сиёсатнинг қўлланилиш предмети ва соҳаси

2.1. Ушбу Сиёсат Жамиятга, Ходимларга ва Жамиятнинг Бизнес ҳамкорларига нисбатан қўлланилади. Сиёсат ҳам давлат, ҳам хусусий сектордаги порахўрлик ва коррупция билан боғлиқ хавфларга нисбатан татбиқ этилади.

2.2. Ушбу Сиёсат порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги қонунларда белгиланган моддий-ҳуқуқий қондаларни бекор қилмайди. Мазкур Сиёсат ва бошқа амалдаги сиёсатлар ҳамда процедуралар порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижро учун минимал мажбурий стандартларни ўрнатади ва шу билан ушбу соҳада рискларни бошқариш бўйича изчил ишлар ўтказилишини таъминлайди. Агар Ўзбекистон

Республикаси қонунчилигида бундан юқори талаблар қўйилган бўлса, унда янада қатъий талабларга риоя қилиниши лозим бўлади.

3-боб. Атамалар ва тавсифлар

Қадрият/ Қийматга эга бирон-бир нарса - фойданинг ҳар қандай, жумладан, пул маблағлари, бадаллар, пул эквивалентлари, кредитлар, совғалар, совринлар, меҳмондорчилик, сафарлар, кўнгилочарлик, маҳсулотлар намуналари, сиёсий бадаллар, хайрия эҳсонлари, ишга жойлаш бўйича таклифлар, стипендиялар, келажакда ишга жойлаш бўйича ваъдалар, молиявий ёрдам билан чекланмаган ҳолдаги шакли.

Порахўрлик - кейинчалик фойда ёки устунликни олиш ёки сақлаб қолиш учун бировнинг хатти-ҳаракатларига таъсир ўтказиш ниятида қимматбаҳо нарсанини бериш, таклиф қилиш, ваъда қилиш, қабул қилишга рухсат бериш, тама қилиш ёки олиш (ёки бериш, таклиф қилиш, ваъда қилиш, рухсат бериш, илтимос қилиш ёки олишга уриниш).

Коррупция - шахс томонидан ўз манфаатлари ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида моддий ёки номоддий неъматларни олиш учун лавозими ёки хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек, ҳам давлат, ҳам хусусий секторда бундай имтиёзларни ноқонуний тақдим этиш.

Давлат хизматчиси - давлат идорасининг, шу жумладан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар номидан иш юритадиган ҳар қандай мансабдор шахс ёки хизматчи;

халқаро ташкилот (масалан, Жаҳон банки ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти)нинг номидан ваколат берилган ҳар қандай мансабдор шахси;

сиёсий партия аъзоси ёки сиёсий лавозимга номзод;

ҳар қандай сиёсий таъсир кўрсатадиган шахс;

юқорида қайд этилган шахслардан бирининг яқин қариндошлари.

Сиёсий таъсир кўрсатадиган шахс - амалдаги ёки собиқ юқори лавозимли амалдор, шу жумладан:

маҳаллий давлат ҳокимияти ёки ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбари;

ҳукумат раҳбари, вазир (вазир ўринбосари);

парламент депутати ёки шунга ўхшаш қонун чиқарувчи орган аъзоси;

сиёсий партиянинг бошқарув органи (кенгаши) аъзоси;

Конституциявий суд, Олий суд судьяси ёки бошқа даражадаги суд органининг судьяси (суд органи аъзоси);

олий тафтиш (аудиторлик) ташкилоти кенгаши ёки бошқарув аъзоси;

Марказий банк кенгаши ёки бошқаруви аъзоси;

элчи (консул);

инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ёки бизнес омбудсман;

катта лавозимдаги ҳарбий офицер;
давлат улуши бўлган Жамият кенгаши ёки бошқаруви аъзоси;
халқаро ташкилот раҳбари.

Яқин қариндошлар - ота-она, турмуш ўртоғи, ака-ука, опа-сингил, фарзандлар, ҳамда турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси.

Давлат ташкилоти:

давлат идораси, шу жумладан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар;

ҳар қандай сиёсий партия;

ҳар қандай халқаро ташкилоти (Жаҳон банки ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти каби).

Бизнес ҳамкор – Жамият билан шартномавий муносабатларига (меҳнат муносабатларидан ташқари) киришадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс (Бизнес ҳамкорни контрагент, етказиб берувчи, дистрибьютор, дилер ёки Жамият номидан ва унинг манфаатларини учун ҳаракат қилишга ваколатли бошқа учинчи шахсни мисол келтириши мумкин).

Ходимлар/Ходим – Жамият бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари, таркибий тузилмалар бошлиқлари (раҳбарлари) ва бошқа ишчилар.

4-боб. Сиёсат мазмуни

4.1. Ходимлар ва Бизнес ҳамкорларга ҳар қандай шахсга у билан бизнес алоқалар туфайли бизнес имкониятларини олиш ёки сақлаб қолиш ёхуд Жамият учун ғайриқонуний устунликка эга бўлиш мақсадида (тўғридан-тўғри ёки воситачи орқали) ноқонуний равишда пул маблағлари ёки қимматбаҳо нарсаларни и таклиф этиш, ваъда қилиш, тақдим этиш ёки ўтказишга рухсат бериш тақиқланади.

4.2. Жамиятга ва унинг Ходимларига:

Жамият учун бизнес имкониятларини олиш ёки сақлаб қолиш ёки ғайриқонуний устунликни олиш учун ҳар қандай шахсларга пора бериш;

ҳақиқий ёки мумкин бўлган порахўрлик ёки коррупция фаолияти белгиларига эътибор бермаслик;

уларнинг Жамият номидан фаолият олиб боришида мустақил фикрларига таъсир қилиши мумкин бўлган қадриятларни талаб қилиш ёки қабул қилишлари тақиқланади.

5-боб. Сиёсат талаблари

5.1. Давлат хизматчилари ва давлат ташкилотлари билан ўзаро алоқалар.

Мазкур сиёсат ҳам давлат, ҳам хусусий сектордаги барча бизнес муносабатларига нисбатан қўлланилади. Шунга қарамай, давлат хизматчилари

ва давлат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда алоҳида эҳтиёткорлик талаб этилади, чунки улар кўплаб қоидалар асосида тартибга солинади ҳамда порахўрлик ва коррупцияга алоқадор юқори хавф билан тавсифланади.

Жамият ва унинг ходимларига давлат хизматчисига бизнес имкониятлари ёки бошқа фойдани олиш, сақлаш ёки назорат қилиш учун расмий қарорларга ноқонуний таъсир ўтказиш мақсадида қимматбаҳо нарсаларни бериш тақиқланади.

5.2. Совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари.

Бизнес совғалари ва меҳмондўстлик харажатлари Бизнес ҳамкорлар ўртасида ўзаро тушуниш ва хайрихоҳ муносабатларини ўрнатиш мақсадида қонуний равишда ишлатилиши мумкин. Шу билан бирга, совғаларни тақдим этиш, меҳмондўстлик харажатларини тўлаш ва бизнес меҳмондўстлигининг бошқа шакллари ғаразли мақсадларда ноқонуний таъсир ўтказиш ниятида қўлланилиб, бу Жамият ва унинг Ходимлари учун сиёсат, процедуралар ва талабларга риоя қилмаслик хавфини келтириб чиқариши мумкин. Жамиятнинг барча қарорлари холис бўлиши ва ноқонуний таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Совғаларнинг айрим турлари ва меҳмондўстлик харажатлари ҳар қандай шароитда қабул қилиниши мумкин эмас деб ҳисобланиб,

пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари (масалан, совға сертификатлари ёки совға карталари, чеклар, қарзлар, олтин, қимматли қоғозлар ва ҳ.к.);

ножўя, ҳақоратомуз ёки Жамиятнинг корпоратив қадриятларига зид келадиган совғалар ёки меҳмондўстлик тадбирлари;

тендерни ўтказиш (танлов), назорат қилувчи орган (комиссия, экспертлар гуруҳи) томонидан қарор қабул қилиниши вақтида, нархлар бўйича музокалар давомида, харидлар ва бошқа тижорат қарорини қабул қилиш жараёнида таклиф этиладиган совғалар ва меҳмондўстлик тадбирлари;

амалдаги қонунлар ёки норматив ҳужжатларни бузадиган совғалар ва меҳмондўстлик тадбирларини ўз ичига олади.

Совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари агар:

қонуний фаолият билан боғлиқ ҳолда тақдим этилса ёки ҳадя қилинса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаса;

олувчининг иш берувчиси ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса;

камдан-кам ҳолларда берилса;

ҳадя очик ва ошкора амалга оширилса;

белгиланган тартибда Жамият бухгалтерия китоблари ва ёзувларида қайд этилса;

ҳаддан ташқари қиммат бўлмаса ва шароитга мос келса мақбул ҳисобланиши мумкин.

Ходим ўз манфаатларига эрк бермаслиги ва Жамият манфаатларига таъсир кўрсатиши ёки уларга зид иш қилмаслиги шарт. Шундай қилиб Ходимининг мустақил қарорига таъсир қилиши мумкин бўлган совғалар ва меҳмондўстлик харажатларини қабул қилиш ҳам тақиқланади. Совғаларни

ҳадя қилиш ва меҳмондўстлик харажатларини қоплашнинг юқоридаги тамойиллари учинчи шахслардан ёки Бизнес ҳамкорлардан совғаларни ёки меҳмондўстлик харажатларини олишга нисбатан бир хил даражада қўлланилади. Агар ходим ўзи томонидан қимматбаҳо нарсаларни қабул қилиш унинг мустақил қарорига таъсир сифатида қаралиши мумкинлигига шубҳа қилса, Жамиятнинг Комплаенс хизматига маслаҳатлашиш учун мурожаат қилиши лозим.

5.3. Расмийчиликни соддалаштириш учун тўловлар.

Расмийчиликларни соддалаштириш учун тўловлар - бу давлат хизматчиси ўзининг одатий вазифалари доирасида бажариши лозим бўлганкундалик, дискрецион ҳисобланмаган хатти-ҳаракатларни бажаришга ёки тезлаштиришга ундайдиган тўғридан-тўғри ёки билвосита унга бериладиган тўлов шакли.

Жамият Ходимга расмийчиликни соддалаштириш мақсадида миқдоридан қатъи назар, тўловларни амалга оширишни, шунингдек, бундай тўловларни яширишни ёки ниқоблашни тақиқлайди.

5.4. Таҳдидлар ва мажбурлаш.

Баъзи ҳолларда пора мажбурлаш чораларини қўллаш орқали талаб қилиниши мумкин. Мажбурлаш шахсга нисбатан унинг хоҳишига қарши тўловни амалга ошириш ёки қимматбаҳо нарсаларни беришга мажбурлаш мақсадида зўравонлик, озодликдан маҳрум қилиш ёки шунга ўхшаш кўринишда ёки бошқа жисмоний таҳдиддан иборат бўлиши мумкин. Ушбу Сиёсатнинг мақсадлари учун иқтисодий босим (молиявий йўқотишларга олиб келадиган салбий таъсир таҳдиди ёки фаолиятнинг сустлашиши)дан фойдаланиш мажбурлаш ҳисобланмайди.

Мажбурлаш чораларини қўллаш эҳтимоли жуда паст бўлишига қарамасдан Жамият Ходимлардан мажбурлаш остида ўзларининг ёки учинчи шахснинг хавфсизлигини хавф остига қўйишини талаб қилмайди. Бироқ Жамият ўзига нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилаётган шахсдан Ходимларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш ва бундай ҳодисаларнинг такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида зудлик билан Комплаенс хизматига хабар беришини (иложи бўлса, воқеа тўғрисида ёзма ҳисобот тайёрлашни) талаб қилади. Мажбурий амалга оширилган тўловлар Жамиятнинг молиявий ҳужжатларида (яъни, китоблар ва қайдларда) аниқ акс эттирилиши керак.

5.5. Сиёсий ҳомийлик.

Жамият номидан сиёсий бадалларни тўлаш тақиқланади.

5.6. Ижтимоий инвестициялар ва хайрия эҳсонлари.

Жамият ўзи фаолият кўрсатаётган минтақалар аҳолиси олдидаги ижтимоий, иқтисодий ва экологик мажбуриятларни эътироф этади ва тегишли ҳудудларда ижтимоий инвестициялар амалга оширилишига рухсат беради. Шу билан бирга, Жамият ижтимоий инвестициялар ёки хайрия эҳсонларига унинг таъсирини ноқонуний равишда ошириш ёки бошқа ноўрин ҳаракатларни

амалга оширишга уриниш сифатида қаралмаслигини таъминлаши шарт. Хайрия олувчининг уни олишга қонуний ҳуқуққа эга бўлишига, шунингдек хайрия маблағлари бошқа фойда олувчиларга йўналтирилмаслигига эътибор бериш лозим.

Барча ижтимоий инвестициялар ва хайриялар Жамиятнинг амалдаги сиёсатлари ва процедураларига мувофиқ амалга оширилиши ҳамда шаффоф, асосланган бўлиши ҳамда ўз вақтида ҳисобга олиниши керак. Нақд пул/ валюта ёки уларнинг эквивалентларини тўлаш (масалан, совға карталари) шаклида хайрия қилишга рухсат берилмайди.

5.7. Ҳомийлик фаолияти.

Ҳомийлик Жамиятнинг бизнес обрўсини (бренди ва нуфузини) мустаҳкамлашнинг асосий усулларида биридир. Бироқ Жамиятнинг ҳомийлиги ғайриқонуний устунликка эга бўлишга уриниш ёки эга бўлиш билан боғлиқ деб қабул қилинмаслиги ёки ҳисобланмаслиги керак.

Ҳомийлик фаолияти ҳаддан ташқари бўлмаслиги ёки кўринмаслиги лозим. Ҳомийлик фаолияти ёзма келишувлар асосида амалга оширилиб, унда ҳомийлик фаолиятини амалга оширадиган ташкилотчиларнинг мавжуд порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунларни бузадиган ҳаракатларни қилмаслик мажбурияти кўзда тутилган бўлиши лозим.

Ҳомийлик фаолиятига йўналтирилган барча маблағлар Жамият бухгалтерия китобларида ва ёзувларида аниқ ва равшан акс эттирилиши керак.

5.8. Бирлашиш ва қўшиб олиш битимлари. Қўшма корхоналар.

Жамиятни сотиб олиш, қўшма корхона ташкил этиш ёки улушга сармоя киритиш бўйича битимни баҳолашда Жамият сотиб олинаётган Жамият ёки Бизнес ҳамкорнинг фаолиятини улар томонидан илгари содир этилган коррупция учун жавобгарликка тортилиш хавфини чеклаш учун ўрганиши лозим. Ушбу иш, шунингдек, битим тузилгунига қадар тегишли комплекс текширувни ўтказишни ҳамда сотиб олишдан кейинги интеграция жараёнининг бир қисми сифатида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни белгилашни ўз ичига олади (агар битим тугалланган бўлса).

5.9. Ҳисобот ҳужжатлари ва ҳисобот бериш.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ҳужжатларига, жумладан, АҚШнинг “Чет элдаги коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (FCPA)га мувофиқ, Жамият ўз бухгалтерия китоблари ҳамда ёзувларини барча битимларни тўғри акс эттирадиган ва ҳеч қандай чалғитувчи ёки ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларга эга бўлмаган тарзда юритиши шарт.

Барча битимлар тўлиқ ва ҳар қандай тўловнинг мақсади ҳамда ҳажми аниқ кўринадиган тарзда қайд этилиши лозим. Бирон-бир мақсад учун ҳеч қандай яширин ёки қайд этилмаган пул жамғармалари ёки активлар яратилиши мумкин эмас. Жамиятнинг қайд ҳужжатларида ва ҳисоботларида бирон-бир мақсад учун нотўғри, чалғитувчи ёки ҳақиқатга мос келмайдиган ёзувлар киритилишига йўл қўйилмайди.

6-боб. Маслаҳатлар ва қонунбузарликлар бўйича хабар бериш

6.1. Агар Ходимлар ушбу Сиёсат бўйича маслаҳатларга муҳтож бўлса, шунингдек, улар Сиёсатни кимдир бузган деб ҳисоблашса, Компаенс хизматиға мурожаат қилиши мумкин. Жамият эҳтимолдаги қонунбузарликлар тўғрисида виждонан хабар берган шахсларға нисбатан ҳеч қандай таъсир ёки таъқиб чораларини мақбул кўрмайди.

6.2. Жамият ушбу Сиёсатнинг эҳтимолда бузилиш ҳолатларини Жамиятнинг ички хизмат текширувчи процедураларига мувофиқ текширади. Ушбу Сиёсат талабларини бузган Жамият ходимларига нисбатан меҳнат шартномасини бекор қилиш(лавозимдан озод қилиш/ ишдан бўшатиш)гача бўлган интизомий чоралар қўлланилиши мумкин.